

РАҲИМЖОНОВ Дурбек Обиджонович,
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди, доцент

НУРМАТОВ Жаҳонгир
Қозоқ-Турк университети Теология факультети
доценти, PhD

АБУ ҲАФС НАСАФИЙНИНГ “КИТОБУ-Л-ҚАНД” АСАРИ ҲАДИС ИЛМИ БЎЙИЧА МУҲИМ МАНБА

ПРОИЗВЕДЕНИЕ АБУ ХАФСА НАСАФИ «КИТАБ АЛЬ-КАНД» — ВАЖНЫЙ ИСТОЧНИК ПО ХАДИСОВЕДЕНИЮ

THE «KITAB AL-QAND» OF ABU HAFS AL-NASAFI: AN IMPORTANT SOURCE FOR HADITH STUDIES

Аннотация. Ушбу мақолада Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари ҳақида сўз боради. Бу асар XII асрга оид ҳадис илми бўйича бошқа манбалардан кўра кўпроқ маълумотларни ўзида мужассам қилган. Бу манба XX аср бошларига қадар йўқолган асарлар қаторида саналиб келар эди. Унинг кашф этилиши, умуман, Ватанимиз тарихини, хусусан, Самарқанд ҳадис илми тарихини ёритишда катта янглик бўлди.

Калим сўзлар: Абу Ҳафс Насафий, Китоб ал-қанд, ҳадис илми, жарҳ ва таъдил, Самарқанд, қўлёзма.

Аннотация. Статья посвящена анализу труда «Китаб аль-Канд» Абу Хафса Насафи — уникального источника XII века по хадисоведению, который до начала XX века считался утерянным. Обнаружение этой рукописи стало значительной вехой в изучении как истории Центральной Азии, так и, в особенности, самаркандской школы хадиса, предоставив науке бесценные сведения.

Ключевые слова: Абу Ҳафс Насафи, Китаб ал-қанд, наука хадис, жарх и тадил, Самарқанд, рукопись.

Annotation. This article examines Abu Hafs Nasafi's Kitab al-Kand, which contains more information about the science of hadith than any other source dating

back to the 12th century. This source was considered one of the lost works until the beginning of the 20th century. Its discovery was a great innovation in the coverage of the history of our homeland in general and the history of Samarkand hadith studies in particular.

Keywords: Abu Hafs Nasafi, Kitab al-qand, science of hadith, jarkh and tadil, Samarkand, manuscript.

КИРИШ

XIX аср охирида рус шарқшуноси академик В.В.Бартольд бошқа манбалар орқали номи маълум бўлган мазкур асарнинг Мовароуннахр сиёсий тарихи учун аҳамиятини юқори баҳолади ва «...кўринишидан, бу асарнинг бизгача фақат Абу Ҳафснинг шогирди Муҳаммад ибн Абдулжалил томонидан қилинган сайланманинг форс тилидаги таржимаси етиб келган», деган янглиш фикрни билдирди [3:59-61]. Бу тадқиқотчи томонидан билдирилган тахмин узоқ вақт кўп сонли тадқиқотчиларни жалғитиб келди. Демак, аниқроқ қилиб айтсак, форс тилидаги мустақил асар «Қандия-йи хурд» Абул Фазл Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандийнинг сайланмаси — «Мунтахаб»нинг таржимаси [3:61]. Кейинчалик бу тахмин бошқа рус тилида ижод қилган тадқиқотчилар томонидан ривожлантирилиб, исботи талаб қилинмайдиган аксиома сифатида қабул қилина бошлади [5:23].

АСОСИЙ ҚИСМ

«Китоб ал-қанд» асари ҳақида ўзбекистонлик тадқиқотчилар ҳам ўз фикрларини билдирдилар. Улар ҳам мазкур асарнинг шу давргача фақат Абу Ҳафс Насафийнинг шогирди Муҳаммад ибн Абдулжалил томонидан қискартириб олинган форсий таржимаси «Қанд», «Қандия» ёки «Қандия-и хурд» («Кичик қандия») номи билан маълум эканлигини таъкидладилар [6:62-65].

«Китоб ал-қанд»нинг кашф этилиши узоқ тарихга эга. Тадқиқотчиларнинг эътибори аввалига Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандийнинг «Мунтахаб Китоб ал-қанд» асарига тушди. 1907 йилда Париждаги Франция Миллий кутубхонаси бир қўлёзма сотиб олиб, унга «Arabe 6284» рақамини берди. 1925 йилда Э.Блоше томонидан нашр этилган кутубхона каталогида бу қўлёзма шундай тавсиф қилинади: «Боши ва охири йўқ бўлган Мовароуннахр

ҳадисчилари биографик қомусининг нотўлиқ бир бўлаги; доимо Насаф, Самарқанд, Бухоро, Исфажоб зикр қилинади. 1^а-варақда берилган 1127-28 санаси асар матнининг нақадар қадимийлигини билдиради. Хати – насх, XIV аср, 75 варақ; ўлчамлари – 28,5x17 см» [7:227].

1950-йилларда бу қўлёзма бўйича изланишлар олиб борган тадқиқотчилар Ҳ.Риттер ва А.З.В.Тўғон у ҳақда баъзи фикрларни билдирдилар. Ҳ.Риттернинг мулоҳазасича, ушбу қўлёзма нусхаси – ҳижрий 438 ва 444 (милодий 1046 ва 1053) йиллар орасида Абдулмалик ибн ал-Ҳусайн ибн Али ан-Насафий томонидан ёзилган Насаф ва Исфажоб ҳанафий олимлари тарихининг бир бўлаги [10:51]. Профессор Тўғон бу асарни Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи та'рих Самарқанд» асарига Абул Фадл Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандий томонидан ёзилган «Зайл» (давом) деб ҳисоблади [12:207]. Билдирилган биринчи фикр хато бўлиб, иккинчиси ҳақиқатга бир мунча яқин эди.

Мазкур қўлёзмага Р. Фрай 1953 йили ўз махсус мақоласини бағишлади. Унинг тўғри хулосаларидан бири шу эдики, бу қўлёзма соф тарихий эмас, балки биографик асарнинг нусхасидир. Р. Фрай шунинг учун бу қўлёзма Мовароуннаҳр сиёсий тарихи билан шуғулланувчиларга бефойда асар деб қатъий ҳукм чиқарди. Тадқиқотчининг фикрича, Париж қўлёзмаси бизгача етиб келмаган ҳар хил шаҳар хроникаларидан кўчирилган, маълум тартибга эга бўлмаган сайланмадир, холос [8:166-168].

Р.Фрайнинг мақоласи К. Каэн томонидан қаттиқ танқидга учради. К. Каэн унинг бир қатор хато фикрларини кўрсатиб, матнни янада чуқурроқ ўрганиш лозимлигини таъкидлади. Тадқиқотчи қўлёзмани уч қисмга бўлади: унинг биринчи қисми хусусида А.З.В. Тўғоннинг фикрини қўллаб, унинг муаллифи Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандий деб тасдиқлайди, қолган икки қисми эса бошқа номаълум муаллифларга тегишли бўлса керак, деган фикрни билдирди. Шундан сўнг бу нодир қўлёзма то 1980-йилларгача тадқиқотчилар эътиборидан четга чиқди.

Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асарининг нодир қўлёзмаси 1967 йилда Истанбулнинг «Süleymaniye Kütüphanesi»да кашф этилди. «Turhan Valde» фондида 70-рақам остида сақланаётган бу қўлёзмани

аввалига Фуод Сезгин Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад Мустафийнинг (в. 1041 й.) «Та'рих Самарқанд» номли биографик қомусига Абу Ҳафс Насафий томонидан «Зайл» (давом, қўшимча) тарзида ёзилган «ал-Қанд фи та'рих 'уламо' Самарқанд» («Самарқанд уламолари тарихи ҳақида ширинлик китоби») номли асарининг нусхаси, деб тахмин қилди [11:353]. Унинг муаллиф ҳақида билдирган биринчи фикри тўғри бўлиб, иккинчиси – мазкур асар Мустафий асарининг зайли, деб билдирган фикри асоссиз эди. Бунга туртки бўлган сабаб шу эдики, «Китоб ал-қанд» асарининг бу нусхасида 169 ерда Мустафийдан маълумот келтирилади. Бундан маълум бўладики, аксинча, Абу Ҳафс Насафий ўз асарини Мустафийга зайл тарзида ёзмаган, балки унинг асаридан манба сифатида фойдаланган.

Бу қўлёзма нусхаларнинг тақдирида 1986 йилда чиққан Дж. Уайнбергернинг мақоласи кескин бурилиш ясади. Принстон университети кутубхонасидаги шарқ қўлёзмалари бўлими назоратчиси Дж. Уайнбергер Париж ва Истанбул нусхаларини солиштириб чиқиб, ўзининг «XII аср Трансоксаниага тегишли икки биографик лўғатнинг авторлиги» мақоласини эълон қилди. Тадқиқотчи Истанбул қўлёзмасини ўрганиб чиқиб, муаллиф манба сифатида нафақат Мустафийдан (169 марта), балки Абу Саъд Идрисийдан (421 марта) ва бошқа биографик қомуслардан фойдаланганлигини аниқлади. Бу ўз навбатида Дж. Уайнбергерга мазкур қўлёзма бирор асарнинг давоми эмас, балки илк ислом давридан то XII асргача Самарқандда яшаб ижод этган ва умуман шу шаҳар билан номлари боғлиқ бўлган муҳаддис олимлар таржимаи ҳолларини ўзида жам этган бошқа бир асарнинг нотўлиқ нусхаси эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос берди. Бу эса Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма'рифат 'уламо' Самарқанд» асаридир.

Энди, асарнинг ягона қўлёзма нусхасида (бошида 6 боб, сўнггида 6 боб) етишмовчилик бўлганлиги сабабли унинг ҳақиқий номини аниқлашда қийинчилик пайдо бўлди. Чунки, ан-Насафий асарининг номини бошқа манбалар турлича беради: 1) «Китоб ал-қанд фи ма'рифат 'уламо' Самарқанд» (Абу Саъд Самъоний); 2) «Китоб ал-қанд мин 'уламо' Самарқанд» (Ибн Ҳажар ал-'Асқалоний); 3) «Китоб ал-қанд фи зикр 'уламо' Самарқанд» (аз-Заҳабий); 4) «ал-

Канд фи та'рих Самарқанд» (Котиб Чалабий ёки Ҳожжи Халифа); 5) «ал-Қанд фи та'рих 'уламо' Самарқанд» (тадқиқотчи Ф. Сезгин). Дж. Уайнбергер Абу Саъд Самъоний Абу Ҳафс Насафийга замондош бўлганлиги сабабли унинг фикрига ён бериб, асарнинг энг тўғри ва тўлиқ номи «Китоб ал-қанд фи ма'рифат 'уламо' Самарқанд» деб ҳисоблади.

Дж. Уайнбергер Истамбул ва Париж қўлёзмаларини ўзаро солиштириб, улардан иккинчисида баъзи таржимаи ҳоллар тушириб қолдирилган, баъзиларида муҳаддиснинг номигина сақланган, баъзилари қисқартирилганлиги, баъзилари эса тўлиқ келтирилганлигини аниқлади. Шунингдек, Котиб Чалабийнинг «Кашф аз-зунун» асаридаги Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асарида унинг шогирди Абул Фазл Самарқандий «Мунтахаб» («Сайланма») қилганлиги тўғрисидаги хабарига асосланиб, Дж. Уайнбергер Париж қўлёзмасини айнан «Мунтахаб Китоб ал-қанд фи ма'рифат 'уламо' Самарқанд» («Самарқанд уламоларини билиш бўйича ширинлик китобидан сайланма») эканлиги ҳақида хулоса чиқарди. Истамбул ва Париж қўлёзмаларининг муаллифларини аниқлаш кўп йиллар мобайнида мумкин бўлмаганлигини Дж. Уайнбергер Котиб Чалабийнинг асар номига та'рих сўзини қўшиб ёзганлигида деб ҳисоблайди.

Дж. Уайнбергернинг аниқ мисоллар билан исботлашича, усмоний-турк олимнинг китобга берган ушбу номи «Китоб ал-қанд»нинг арабча матнини кўрмаган академик В.В. Бартольд ва В.Л. Вяткинларни чалкаштирди. Жумладан, В.В. Бартольд «Китоб ал-қанд»нинг икки номи – «Қанд» ва «Қандия» ҳақидаги янглиш фикрни олға сурди. Ваҳоланки, иккинчи ном «Самарқанд» сўзидан ясалган нисбий сифат бўлиб, «Китоб ал-қанд» асарига мутлақо алоқаси йўқ (проф. Ю. Паул ҳам шу фикрни қўллаб-қувватлайди); иккинчидан, «Китоб ал-қанд» ал-Идрисийнинг «Китоб ал-камол»ининг давоми (зайл) ҳам эмаслиги юқорида кўрсатилди; учинчидан, «Қандия-йи хурд» «Мунтахаб Китоб ал-қанд»нинг форс тилига таржимаси эмас, балки Самарқанд шахри тарихига бағишланган кўп сонли мустақил асарлардан биридир [3:89-93]. Бу хилдаги асарлар кўпроқ «халқ китоблари» жанрига яқин бўлиб, авлиёлар, муқаддас жойлар, афсоналар йиғиндисидан иборатдир. Шулар асосида

тадқиқотчи Истамбул қўлёзмаси Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма'рифат 'уламо' Самарқанд» асари, Париж қўлёзмаси эса ан-Насафийнинг шогирди Абул Фазл Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандий томонидан қисқартирилган «Мунтахаб Китоб ал-қанд фи ма'рифат 'уламо' Самарқанд» номли асар нусхасидир, деган хулосага келади.

Дж. Уайнбергернинг мақоласи бу соҳадаги мукаммал, охирига етказилган тадқиқот дейиш қийин. Чунки, масалан, у Ҳ. Риттерни танқид қилаётиб, Париж қўлёзмасидаги энг сўнгги сана 1141-42 йил деб кўрсатади. Матнда эса аксинча, 1142-43 йил ҳам учрайди. Тадқиқотчи маълумотида кўра, Истамбул қўлёзмасида 1010 муҳаддис таржимаи ҳоли берилган. Бизнинг ҳисобимизча, уларнинг сони – 1027 та. Лекин ҳозирги давр тадқиқотлари учун унинг илмий хулосаси муҳим аҳамиятга эга. Асарнинг бошқа бир тўлиқ нусхаси ёки ан-Насафийнинг ўзи эътироф этган ном топилмагунича Дж. Уайнбергер тахмини ҳақиқатга энг яқин гипотеза кучига эгадир.

Тожикистонлик тадқиқотчи Лола Додхудоева 1991 йили Дж. Уайнбергернинг мақоласидан беҳабар ҳолда янги бир мақола эълон қилди. Унинг ҳисобича, Париж қўлёзмаси бир неча бўлақлардан иборат: 1) Идрисийнинг (в. 1015 й.) «Китоб ал-камол фи ма'рифат ар-рижол би-Самарқанд» асарида олинган бўлақ; 2) Абу Ҳафс Насафий қўшимчаси. Мақола муаллифининг фикрича, қўлёзма юқорида номи зикр этилган икки асарни XII асрда Абул Фазл Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандий томонидан қайта ишлаб чиқилган ва унга «Қандия» номини берган. Кейинги асрларда ушбу қисқартириб олинган «Кичик Қандия» турли муаллифлар томонидан яна қайта-қайта ишланган ва бунинг натижасида аввалги арабча матнни тиклаш мумкин бўлмай қолган [4:35]. Мазкур мақолада ҳам форс тилидаги «Қандия-йи хурд» («Кичик қандия») ва арабча «Мунтахаб Китоб ал-қанд» («Китоб ал-қанддан сайланма») асарлари аралаштириб юборилган.

Париж ва Туркия қўлёзмаларини Дж. Уайнбергернинг мақоласидан беҳабар ҳолда солиштирган профессор Ю. Паул 1993 йилда ўзининг «Самарқанд тарихлари» мақоласини эълон қилди. У ҳам ўз мақоласида Истамбул қўлёзмаси Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» номли оригинал асарининг бир

қисми, Париж қўлёзмаси эса Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандий томонидан қисқартирилган (баъзи жойларда – ҳатто кенгайтирилган) баёни бўлиши мумкин, деган фикрни олға суради. Форсча «Қандия» масаласида мақола муаллифи баъзи қимматли фикрларни илгари суриб, «Китоб ал-қанд» (нима учундир, ушбу мақолада у «Арабча Қандия» номини олган) тўлиқ нусхаси топилгунича, унинг муқаддимаси форсча таржимага асос бўлган, деган эҳтимол ўз кучида қолади, деб ҳисоблайди. Ю.Паул ўз мақоласида «Китоб ал-қанд»ни Марказий Осиё сиёсий тарихи, исломлашув жараёни ва ундаги ғозиларнинг роли, уламоларнинг сиёсатчилар билан бўлган муносабатларини ёритишда манба сифатида фойдаланиш услубларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади [9:69-92].

Туркия қўлёзмаси ҳақида хабар топган ношир Назар Муҳаммад ал-Форёбий 1991 йили, бу соҳадаги барча илмий тадқиқотларни ҳисобга олмаган ҳолда, уни зудлик билан чоп этди. Бу билан у кенг китобхонлар оммасини мазкур асар билан яқиндан танишиш имкониятини яратди. Лекин ушбу нашр жиддий камчиликларга эга. Улардан асосийси Истамбул нусхаси Париж қўлёзмаси билан мутлақо қиёсланган эмас. Натижада қўлёзмадаги Париж қўлёзмаси асосида ўқилиши мумкин бўлган ноаниқ, нотўлиқ сўзлар, жумлалар ушбу нашрда нотўғри босилган. Масалан, «воли» ўрнига «ва ило», «молик» ўрнига «ҳолик», «ла-яхирранна» ўрнига «ла-яхиззанна» ва бошқалар. Бундан ташқари қўлёзманинг 70^б- ва 71^а-варақларидаги маълумотлар, жумладан олтига уламо:

- 1) Абдуллоҳ ибн Али ал-Жавбақий ан-Насафий;
- 2) Абдуллоҳ ибн Али ибн Исо ан-Насафий;
- 3) Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ал-Бахтарий;
- 4) Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Аби Солиҳ ан-Нисобурий;
- 5) Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ас-Самарқандий;
- 6) Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Аби Наср ат-Тарозий номларига берилган таржимаи ҳоллар нашрда умуман тушиб қолган бўлиб, китоб кўрсаткичида (ал-фихрист) эса – нима учундир ўз аксини топган. Натижада, матнда ношир томонидан таржимаи ҳолларга қўйилган рақамлар билан нашр кўрсаткичидаги тартиб

рақамлари орасида 365-таржимаи ҳолдан бошлаб номутаносиблик пайдо бўлган. Орада бетларнинг тушириб қолдирилиши натижасида 70^а-варақ охиридаги матнни 71^б-варақ бошидаги матнга улаб, яъни Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аби Бакр ал-Жавбақий ан-Насафий таржимаи ҳоли ва иснодига Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Аби Наср ат-Тарозий исноди ва ривоят қилган ҳадисини улаб, қўпол хатога йўл қўйилган. Худди ана шундай хато алоҳида биографияси берилган Абул Ҳасан Али ибн Ҳасан номини тушириб қолдириб, унинг иснодини аввалги биография – Абул Ҳасан Али ибн Митт номига қўшиб юбориш билан такрорланган. Бундан ташқари, Форёбий Марказий Осиё учун хос бўлган атамалар, исмлар, терминларга нотўғри диакритик белгилар (ҳаракот) қўйиб, уларни хато ўқийди. Мисол учун, «дихқон» ўрнига «дахқон», «Хушном» ўрнига «Хавашном», «ал-Марғиноний» ўрнига «ал-Марғайноний» ва бошқалар.

Ушбу нашрдаги жиддий нуқсон ва камчиликлар келажакда «Китоб ал-қанд»нинг илмий-танқидий матнини ҳозирлашни долзарб масала этиб қўйди. Чунки, Париж қўлёзмасида мавжуд («айн» боби) таржимаи ҳолларни қиёслаб, Истамбул қўлёзмасидаги бир қатор хатоларни тўғрилаб, танқидий матнга киритиш мумкин эди. Дарҳақиқат, «Китоб ал-қанд»нинг Туркия қўлёзма нусхасида кўчирувчи (носих) томонидан бир қатор жиддий хатоларга йўл қўйилган.

1999 йилда ливанлик тадқиқотчи Юсуф ал-Ҳодий «Китоб ал-қанд» асарининг танқидий матнини яратишга қўл урди. Ношир бу ишни амалга оширишда икки қўлёзма – Истамбул ва Париж нусхаларидан фойдаланди. Лекин у Дж. Уайнбергер ва Ю. Паулнинг Париж қўлёзмаси Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандийнинг «Мунтахаб китоб ал-қанд» китобининг ягона нусхаси эканлиги ҳақидаги илмий асосланган ҳулосаларидан хабардор бўлмаган ҳолда, уларни инкор қилди. У китобнинг янги наشري охирида исмлар, жой номлари, тарихий воқеалар ва бошқа рўйхатларни кўрсаткич (фихрист) сифатида бериб, асарни фойдаланиш учун қулай ҳолатда чоп эттирди. Аммо бу нашрнинг ҳам ўзига яраша жиддий камчилик томонлари мавжуд.

Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, мазкур танқидий нашрда икки мустақил асар

– «ал-Қанд» ва «Мунтахаб» бир қилиб қўшиб юборилган ва уларга Ғарбда ўтказилган илмий тадқиқотларни ҳисобга олмаган ҳолда «Китоб ал-қанд фи зикр ‘уламо’ Самарқанд» номи берилган. Ваҳоланки, бу икки китоб алоҳида-алоҳида мустақил асар бўлиб, Туркия қўлёзмаси «Китоб ал-қанд»нинг асл нусхаси, Париж қўлёзмаси эса – «Мунтахаб»нинг ягона нусхасидир.

Булардан ташқари, Париж қўлёзмасида мавжуд биографиялардан баъзилари Техрон нашрида ўз аксини топмади:

1) Абу Аҳмад Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ан-Насафий (в. 1009 й.) [2:73^б-74^а];

2) Абу Наср Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ал-Куфий ан-Насафий (в. 1013 й.) ларнинг таржимаи ҳоллари тўлиғича;

3) Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Бақр ар-Роҳибий ан-Насафий (в. 1035 й.) қисман;

4) Абу Наср Аҳмад ибн Али ибн Тоҳир ал-Жавбакий ан-Насафий (в. 951-52 й.) таржимаи ҳолининг бир қисми тушиб қолган.

Юсуф ал-Ҳодий қўлёзманинг 73^б- ва 74^а-варақларини йўқолган, деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, мазкур икки варақнинг орқа тарафлари йўқолиши мумкин эмас. Кўринишидан, ношир қўлёзманинг ўзидан эмас, балки ундан олинган нусхадан фойдаланган ва ундаги нусханинг баъзи варақлари йўқолган бўлиши мумкин.

Икки нусхани тўлиқ солиштирилмаганлиги натижасида «Айн» бобида Туркия қўлёзмасида йўқ бўлган, Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Жалил томонидан киритилган икки қўшимча – 1) Абу Аҳмад Абдулмуъмин ибн Абдулкарим ас-Самарқандий ал-Ҳоким ва 2) Абу Аҳмад Абдурраҳмон ас-Самарқандий ал-Ҳоким номлари ҳам нашрда мутлақо йўқ. Бундан ташқари баъзи жузъий камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, ас-Саййид ал-Имом Абулмузаффар Қосим ибн Аби Шужога берилган таржимаи ҳолда бу олимнинг номи ал-Имом Музаффар ибн Қосим тарзида нашр этилган. Ваҳоланки, бу ном қўлёзмада тўғри шаклда берилган [1:195^б].

2001 йилда «Китоб ал-қанд» Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли томонидан ўзбек тилига қисқартирган ҳолда таржима қилиниб, оммабоп тарзда нашр этилди. Натижада, фақат ўзбек тилида ўқий оладиган кенг китобхонлар оммаси бу китоб

билан қисман бўлсада танишиш имкониятига эга бўлдилар. Аммо бу таржима «Китоб ал-қанд» Туркия қўлёзмасининг Назар Муҳаммад Форёбий томонидан амалга оширилган нашридан қилинган бўлиб, мазкур нашрда йўл қўйилган хатолар унда ҳам такрорланади. Боз устига таржимада илм учун ғоят зарур ҳадис иснодлари ташлаб кетилган. Бу қабилдаги қисқартириш ўзбекча нашрнинг илмий аҳамиятини пасайтиради. Нашрда яна баъзи жузъий камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, Аҳмад ибн Наср ал-Атакийнинг нисбаси «ал-Аткий» шаклида берилган. Худди шу ерда Абу Муоз Холид ибн Сулаймон ал-Балхийдан ҳадис ривоят қилган маъносидаги «раво ‘анху Аҳмад...» ибораси «Аҳмад...нинг (Абу Муоз ҳақида) ривоят қилишича,...» тарзида таржима қилинган. Кириш қисмининг охиридаги «Мазкур қўлёзма 11-асрга мансуб бўлиб, 98 варақдан иборат» жумласида иккита катта хатога йўл қўйилган: Абу Ҳафс Насафий умрининг аксар қисмини XII асрда яшаб ўтган бўлиб, у номини зикр этган кўпгина уламолар ҳам шу асрда яшаганлар ва шунга қўра, қўлёзма XI асрга тегишли бўлиши мумкин эмас; иккинчидан асарнинг Туркиядаги нусхаси 98 эмас, балки 198 варақдан иборат [1:198^б]. Бу таржима ҳақида хулоса қилиб айтиш мумкинки, у оммабоп бўлиб, ундан илмий мақсадлар кўзда тутилмаган.

«Китоб ал-қанд»нинг барча қўлёзма ва нашрлари бўйича таҳлиллар асосида қуйидагиларни хулоса қилиб айтиш мумкин:

1) Истанбулнинг «Süleymaniye Kütüphanesi»да «Turhan Valde» фондида 70 рақам остида сақланаётган қўлёзма Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма’рифат ‘уламо’ Самарқанд» асарининг нотўлиқ нусхаси;

2) Парижнинг «Bibliothèque Nationale» кутубхонасида араб тилидаги қўлёзмалар фондида 6284 рақами остида сақланаётган нусха Абу Ҳафс Насафийнинг шогирди Муҳаммад ибн Абдулжалил томонидан «Китоб ал-қанд» асаридан қисқартириб, баъзан қўшимчалар киритиб, биографияларни ўзига хос янги тартибда ўзгартирган ҳолда жойлаштириб, қилинган «Мунтахаб» («Сайланма»);

3) 1991 йилда Назар Муҳаммад ал-Форёбий томонидан амалга оширилган нашр баъзи хато ва камчиликларга эга бўлса-да, умумий йўналишини тўғри деб қабул қилиш

мумкин. Чунки унда бир асар бошқаларга аралаштирмай алоҳида нашр этилган;

4) Юсуф Ҳодий томонидан қилинган нашрда аввалги нашрдаги баъзи хатоларни тўғриланган бўлсада, икки бошқа-бошқа асар бирлаштириб юборилди ва бу икки асарга умумий бир ном берилиб, хатога йўл қўйилган.

Мазкур хулосадан келиб чиқиб, икки кўлёмани алоҳида-алоҳида тарзда танқидий нашрини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тадқиқотда, юқорида зикр этилган камчиликларни эътиборга олган ҳолда, баъзан Форёбий (Саудия) нашридан, баъзан Ҳодий (Техрон) нашридан фойдаланилди. Нашрларда хатоларга йўл қўйилган ҳолларда эса тўғридан-тўғри кўлёмаларга мурожаат этишга тўғри келди.

Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» ва «Мунтахаб» асарлари 1232 та мовароуннахрлик уламнинг таржимаи ҳолини беради. Улар VIII-XII асрларда маънавиятнинг турли соҳаларида фаолият олиб боришган. Китобга, асосан, Самарқанд шаҳри билан боғлиқ бўлган – бу шаҳарда туғилган, яшаган, фаолият олиб борган, вафот этган ёки қайсидир жиҳатдан шаҳар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатган уламоларнинг номлари киритилган. Аммо асарда Самарқанд шаҳридан ташқари Дабусия, Кушония, Кеш ҳамда Насаф каби шаҳар ва қишлоқлар билан боғлиқ уламоларнинг таржимаи ҳоллари ҳам кўплаб учрайди. Чунки юқорида қайд этилганидек, муаллиф ўз олдига нафақат Самарқанд шаҳри, балки Сўғди Самарқанд вилояти муҳаддислари биографик луғатини тузиш вазифасини қўйган.

Мазкур асарда келтирилган 950 дан ортиқ ҳадис Самарқанд маънавий ҳаёти турли жабҳаларидаги муҳитни – илоҳиёт, ахлоқ, сиёсат, қонунчилик, кадриятлар соҳаларини акс эттиради.

«Китоб ал-қанд» асари VIII-XII асрлардаги Мовароуннахр, хусусан, Самарқанд маънавий муҳитини, жумладан, ҳадис илми тараққиётини ўзида акс эттирган муҳим ва қимматбаҳо манбадир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари Мовароуннахрдан чиққан уламоларнинг

таржимаи ҳолларини ўзида мужассам қилган биобиблиографик комусдир. Шунингдек, ушбу асарда келган ҳадислар маҳаллий халқларнинг маънавий ҳаётини ўзида акс эттирган ҳадис тўплами ҳамдир. Шу билан бирга ушбу асар минтақа маънавияти тарихини ўрганиш бўйича ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Абу Ҳафс ‘Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. ал-Қанд фи ма‘рифат ‘уламо’ Самарқанд. – Истанбул. – Сулаймонийа кутубхонаси. – «Turhan Valide Sultan» фонди. – Кўлёма № 70. – 198 в.
2. Абу-л-Фадл Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Жалил ас-Самарқандий. Мунтахаб Китоб ал-қанд. – Париж. – Франция миллий кутубхонаси. – Араб кўлёмалари фонди. – Кўлёма № 6284. – 75 в.
3. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В.В. Сочинения. – Т. I. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 760 б.
4. Додхудоева Л. Малоизвестная рукопись XIV в. по истории городов Мавераннахра // Известия Академии наук Таджикской ССР. Серия: Востоковедение, история, филология. – № 3 (23). – 1991. – Б. 31-36.
5. Кандия Малая. 1906 / Перевод краткой редакции на персидском языке арабского труда Абу Хафса Наджмеддина Умара б. Мухаммед ан-Насафи ас-Самарқанди. Предисловие и примечания переводчика В.Л. Вяткина // Справочная книжка Самарқандской области. – Вып. 8. – Самарқанд. – 1906. – Б. 236-290.
6. Уватов У. Самарқанд уламолари // Донолардан сабоқлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – Б. 62-65.
7. Blochet E. Catalogue des manuscrits arabes des nouvelles acquisitions. – Paris, 1925. – Б. 227.
8. Frye R.N. City Chronicles of Central Asia and Khurasan: A History of Nasaf? // Mélanges Fuad Köprülü. – Истанбул. – 1953. – Б. 166-168.
9. Paul J. The Histories of Samarqand // Studia Iranica. – 1993. – № 22. – Б. 69-92.
10. Ritter H. Arabische Handschriften in Anatolien und Istanbul // Oriens. – Т. III. – 1950 (бундан кейин: Риттер. 1950). – Б. 51.
11. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. – Т. I. – Leiden: Brill, 1967. – 935 б.
12. Toğan A.Z.V. Tarihde Usul. – Истанбул. – 1950. – Б. 207.